

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА  
ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МЎМИНОВ АБДУЖАЛИЛ АБДУСАЛОМ ЎҒЛИ**

**ЎЗБЕКИСТОН БОҒДОРЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК ВЕБ АТЛАСИНИ  
ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИ**

**11.00.06 – Геодезия. Картография**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2022**

УДК: 912.43:635.1:528.1(084.4)(575.1)

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
geographical sciences**

**Мўминов Абдужалил Абдусалом ўғли**

Ўзбекистон боғдорчилик ва узумчилик веб атласини

яратиш масалалари.....3

**Муминов Абдужалил Абдусалом угли**

Вопросы создания веб атласа

садоводства и виноградарства Узбекистана.....21

**Muminov Abdujalil**

Issues of creating a web-atlas

of gardening and vineyarding of Uzbekistan.....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МЎМИНОВ АБДУЖАЛИЛ АБДУСАЛОМ ЎҒЛИ**

**ЎЗБЕКИСТОН БОҒДОРЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК ВЕБ  
АТЛАСИНИ ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИ**

**11.00.06 – Геодезия. Картография**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2022**

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Gr192 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетда бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) ва «Ziyoune» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyoune.net](http://www.ziyoune.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Эгамбердиев Асамберди  
география фанлари номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар:** Реймов Полат Расбергенович  
география фанлари доктори (DSc), доцент  
Хакимова Камолатхон Раҳимжоновна  
география фанлари фалсафа доктори (PhD), доцент

**Етакчи ташкилот:** «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий Кенгашнинг 2022 йил «17» ноябрь соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: [ik-geografiya.nuuz@mail.ru](mailto:ik-geografiya.nuuz@mail.ru). Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№127 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2022 йил «5» ноябрь куни тарқатилди.  
(2022 йил «5» ноябрдаги 47-рақамли реестр баённомаси).



**Н.И.Сабитова**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

**Ш.М.Шарипов**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.н., доцент

**З.Н.Тожиева**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш қошидаги бир марталик  
Илмий семинар раиси, г.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммоларини ҳал этиш учун қишлоқ хўжалигида замонавий технологиялар ва дастурлаш воситаларини қўллаш масаласи етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш стратегик дастурини қабул қилиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг маҳсулдорлиги, сифати ва барқарорлигини ошириш»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларнинг ечимида қишлоқ хўжалигини бошқаришда ресурс тежамкор технологиялар, жумладан, замонавий дастурлаш тилларидан фойдаланиб маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни тўплаш, сақлаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва уларни истеъмолчиларга кўргазмали қилиб етказишда муҳим бўлган веб харита ва атласларни яратиш алоҳида долзарблик касб этади.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, айниқса, интерактив режимда ишлайдиган веб харита ва атласларни яратиш, уларнинг функционалликни ошириш, турли хил шароитларда осон мослашувчан фойдаланувчи интерфейсга эга бўлган веб платформаларни яратиш ва уларни такомиллаштиришга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, турли соҳаларда кенг қўлланиб келинаётган ГАТ технологиялари орқали геомаълумотлар базасини яратиш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини баҳолашга имкон берувчи веб хариталар сериясини тузиш, веб харитага олиш усуллари ва технологияларига асосланган ҳолда веб атласларни яратиш методларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини янада ривожлантириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «... Экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсификация бўғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни 2 баравар кўпайтириш»<sup>2</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, мазкур соҳа самарадорлигини ва рақобатбардошлигини янада оширишда бошқа тадқиқот методлари қаторида картографик, ГАТ ва веб харитага олиш усуллари асосида ушбу тармоққа картографик жиҳатдан тавсиф беришга йўналтирилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> <https://www.fao.org/newsroom/detail/un-report-global-hunger-SOFI-2022-FAO/ru> Food and Agriculture Organization of the United Nations.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги” Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш» тўғрисидаги концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ва 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг IV «Ахборотлаштириш ва ахбороткоммуникация технологияларини ривожлантириш» ва V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф – муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** ГАТ ва картографик маълумотлар ва билимлар базалари асосида замонавий компьютер дастурлари орқали геоинформацион харитага олиш ҳамда веб технологиялари орқали харита ва атласларни яратишнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш масалалари кўплаб хорижий олимларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган. Жумладан, хорижлик олимлардан Richard Gardiner Donohue II, А.М.МаєEachren, Бёрн Сандвик, МДХ мамлакатлари олимларидан Ю.Б.Баранов, А.М.Берлянт, Е.А.Жалковский, Е.Г.Капралов, А.В.Кошкарёв, И.К.Лурье, Д.В.Лисицкий, Б.А.Новаковский, В.С.Тикунов, Е.И.Халугин, С.В.Шайтура, С.Н.Шибалов, П.Р.Кикин, М.Ю.Дубинин, А.М.Костикова, А.А.Макаренко, Г.И.Загребин кабиларнинг тадқиқотлари бағишланган. Ўзбекистонда ушбу мавзуга доир тадқиқотлар Т.Мирзалиев, Л.Х.Ғуломова, А.Эгамбердиев, Э.Ю.Сафаров, П.Р.Реймов, С.А.Авезов, К.И.Гадоев, Ш.М.Пренов, К.Р.Ҳақимова, Д.Н.Рахмонов, Р.К.Ойматов, К.К.Беканов ва бошқалар томонидан бажарилган. Ушбу тадқиқотларда асосий эътибор турли мавзули ва мақсадли харита ва атласларни лойиҳалаш, тузиш, нашрга тайёрлаш ва нашр этиш ҳамда улардан фойдаланиш масалаларига қаратилган.

Мазкур тадқиқот боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини изчил ривожлантиришнинг муҳим муаммоларига бағишланган соҳавий веб атласни замонавий ГАТ ва веб технологиялар асосида яратиш масалаларига бағишланганлиги билан юқорида қайд этилган тадқиқотлардан фарқ қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация

тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети И-8-20 «Ўзбекистон Миллий атласини яратишнинг назарий асослари» ва Uzb-Ind-2021-89-сонли «Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг қурғоқчил ва ярим қурғоқчил дарёлари ҳавзаларида сув тақчиллиги ҳамда қурғоқчиликка тўғонлар ва иқлим ўзгариши таъсирини баҳолаш» (2021-2023) мавзусидаги амалий тадқиқотлар лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** замонавий геоинформацион, картографик ва веб харитага олиш методлари асосида Ўзбекистон Республикасининг боғдорчилик ва узумчилик веб атласини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

веб технологияларнинг ҳолатини, ривожланиш тендецияларини ва имкониятларини соҳа қишлоқ хўжалиги атласларини тузишда хорижий ва миллий тажрибаларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

ГАТ технологиялари асосида Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва узумчилик хариталарининг географик маълумотлар базасини яратиш усуллари таҳлил қилиш;

геоинформацион харитага олиш усуллари ва технологияларига асосланган ҳолда боғдорчилик ва узумчиликнинг динамик хариталарини яратиш;

боғдорчилик ва узумчиликни картографик, геоинформацион ва веб харитага олиш усуллари орқали веб атласини яратиш методикасини такомиллаштириш;

боғдорчилик ва узумчилик веб атласини ишлаб чиқиш ва яратишнинг илмий принциплари ва унга қўйиладиган талаблар, атласнинг таркибий тузилиши ва хариталарнинг рўйхатини тузиш ҳамда ундан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва узумчилик веб атласи олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** веб картография ва ГАТ технологиялари асосида Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва узумчилик веб атласини ишлаб чиқиш масалалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида дала тадқиқот ва картографик, тизимли ёндашув, математик моделлаштириш, статистик таҳлил, географик ахборот тизимлари, ИТ, геоинформацион ва веб харитага олиш каби методлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

ГАТ технологиялари асосида боғдорчилик ва узумчилик объектларининг (қишлоқ хўжалиги, экин майдонлари таркиби, ер турлари, деҳқончиликда фойдаланиладиган ерлар, боғлар, узумзорлар) географик маълумотлар базасини яратиш усуллари такомиллаштирилган;

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати очик маълумотлари базаси, геоинформацион харитага олиш усуллари ва технологияларига асосланган ҳолда боғдорчилик ва узумчилик динамик хариталари яратилган;

боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини картографик, геоинформацион ва веб харитага олиш усуллари орқали веб атласини яратиш методикаси такомиллаштирилган;

Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва узумчилик веб атласи яратилган ва ундан фойдаланиш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ArcGIS дастурида Ўзбекистон боғдорчилик ва узумчилик объектларининг геомаълумотлар базаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг боғдорчилик ва узумчилик динамик хариталари ишлаб чиқилган;

боғдорчилик ва узумчилик тармоғини картографик, геоинформацион, IT ҳамда веб харитага олиш усуллари орқали Ўзбекистон боғдорчилик ва узумчилик веб атласи яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Ўзбекистон Республикаси ҳукумати очик маълумотлар порталида мавжуд барча вазирлик ва идораларнинг ахборотлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси рақамли маълумотларидан, Ўзбекистон Республикаси солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги материалларидан, шунингдек, муаллифнинг тадқиқот доирасидаги шахсий кузатишлари ва изланишлари хулосаларидан фойдаланилганлиги билан изоҳланади. Ундан ташқари, олиб борилган тадқиқотлар натижасида, ГАТ технологиялари асосида яратилган боғдорчилик ва узумчилик веб атласи, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти боғдорчилик ва узумчилик хариталарининг мазмуни бўйича таснифлангани, веб атласларни яратиш методикасининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ГАТ технологиялари асосида боғдорчилик ва узумчилик объектларининг геомаълумотлар базаси ҳамда веб атласи яратилгани, унинг таркибидаги хариталар, статистик маълумотлар зарурий чора-тадбирларни амалга оширишда муҳим веб картографик манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон боғдорчилик ва узумчилик веб атласини яратиш масалалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:



ГАТ технологияларининг ArcGIS дастурида Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва узумчилик объектлари бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари, экин майдонлари таркиби, ер турлари, боғлар ва узумзорларнинг геомаълумотлар базасини яратиш усуллари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 18 августдаги 03-03-749-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу геомаълумотлар базаси Ўзбекистон Миллий атласининг «Қишлоқ хўжалиги» бўлимига киритилган хариталарини яратиш имкониятини берган;

Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги ва унинг асосий тармоқларидан бири бўлган боғдорчилик ва узумчилик мавзусидаги қатор мавзули динамик хариталари, хусусан, «Қишлоқ хўжалиги», «Ер турлари», «Экин майдонлари таркиби», «Дехқончиликда фойдаланиладиган ерлар», «Боғдорчилик» ва «Узумчилик» хариталари Ўзбекистон Миллий атласининг «Қишлоқ хўжалиги» бўлимига киритилган «Қишлоқ хўжалиги», «Ер турлари», «Экин майдонлари таркиби», «Дехқончиликда фойдаланиладиган ерлар», «Боғдорчилик» ва «Узумчилик» хариталарини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 18 августдаги 03-03-749-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон Миллий атласининг мазмунини бойитиш, ундаги хариталарнинг илмий ва амалий аҳамиятини ошириш имкониятини берган;

Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва узумчилик тармоқларини веб харитага олиш усуллари орқали такомиллаштирилган веб атласни яратиш методикаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигида Тошкент вилояти маҳаллаларининг веб хариталарини яратишда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 18 августдаги 03-03-749-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу такомиллаштирилган методика маҳаллаларнинг интерактив веб хариталарини яратиш имкониятини берган;

Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва узумчилик веб атласи Картография давлат илмий ишлаб чиқариш корхонаси томонидан тузилган веб хариталарни яратишда асос сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 18 августдаги 03-03-749-сон маълумотномаси). Натижада, веб харита ва атласларнинг структураси ва дастурини такомиллаштириш имкониятини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 1 та халқаро

ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 113 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган бўлиб, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Ўзбекистонда боғдорчилик ва узумчилик веб атласини яратишда веб технологияларини қўллашнинг илмий-услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида ушба тармоқ Ўзбекистон Миллий иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми сифатида ўрганилиб, таҳлил қилинган. Олиб борилган изланишлар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг энг қадимги тармоқларидан бири ҳисобланади. У жаҳон миллий минтақавий иқтисодиёти таркибида ҳам етакчи ўринларни эгаллайди. Бироқ, ушбу макроиқтисодиёт тармоғининг ривожланиши турли мамлакатларда турлича кечади. Ривожланаётган давлатларда қишлоқ хўжалиги хусусан, деҳқончилик кўпроқ экстенсив хусусиятга эга бўлса, етакчи мамлакатларда у интенсив ривожланиб бориши ўрганиб чиқилган.

Ҳисоб-китобларга кўра, 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хом ашёсига нисбатан узумдан 7 баравар, гилосдан 6 баравар, ёнғоқдан 5 баравар кўп даромад олиш имконияти мавжуд<sup>3</sup>. Қишлоқ хўжалигининг тармоғи бўлган боғдорчилик ва узумчиликнинг Ўзбекистонда турли даврлардаги ўзгариш ҳолати мониторинги олиб борилган (1.1-жадвал).

---

<sup>3</sup> <http://uza.uz/posts/3306>

**Ўзбекистонда боғдорчилик ва узумчиликнинг асосий кўрсаткичлари**  
(барча хўжалик тоифаларида)

Йиллар	Боғдорчилик			Узумчилик		
	Майдон, минг га	Ялпи ҳосил, минг т.	Ҳосил- дорлик, улуши ц/га	Майдон, минг га	Ялпи ҳосил, минг т.	Ҳосилдорлик, ц/га
1990	140,1	660,4	47,1	95,3	744,7	78,1
1995	138,6	602,3	43,4	94,5	620,9	65,7
2000	139,2	790,6	56,8	99	623,3	63
2002	145,9	842,9	57,7	101,3	516,4	51
2004	146,2	851,7	58,2	96,8	589,1	60,8
2006	155	1171,8	75,6	100,1	790,4	79
2008	171,1	1402,7	81,9	102,4	790,3	77,1
2010	184,8	1710,3	93,1	108,7	987,3	90,8
2012	250,9	2052,8	104,7	126,9	1206	108,5
2014	261,9	2490,6	116	128,9	1441,2	120,7
2015	266,4	2746,1	128,1	128,3	1579,3	133,1
2016	279,6	3042,8	134,5	131,2	1735,8	142,3
2017	271,6	2614,9	118,3	114,5	1625,5	157
2018	319,2	2706,2	121,6	113,3	1589,8	157,5
2019	336,6	2752,7	118,5	120,2	1603,3	153,5
2020	336,3	2812,6	116,7	128,2	1606,9	152,0

*Жадвал ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан қайта ишланган.*

Юқорида қайд этилган маълумотлар орқали, боғдорчилик ва узумчиликни хариталар асосида тадқиқ қилишнинг илмий-услубий асослари картографик методдан фойдаланиш, тармоқни халқ хўжалигини улар билан уйғун бошқа соҳаларни ҳудуд бўйича жойлаштиришда ва ривожлантиришда фазовий омилни анча тўлиқ ҳисобга олишга, ҳудудни табиий-иқтисодий хусусиятларидан самарали фойдаланишга, ушбу регионал иқтисодий тизимни белгили моделини яратишда картографик тадқиқ қилишнинг роли асосланган.

Қишлоқ хўжалигини мавзули харитага олиш бўйича таниқли олимларнинг илмий ишлари (Мирзалиев, 1965-1996; Эгамбердиев, 1983; Гадоев, 1993; Сафаров, 1996-2006; Авезов, 2010), бу соҳада Украина (Золовский, 1979-1987; Левицкий, 1974-1983; Козаченко, 1979; 1984; 1986), Молдавия (Мучило, 1979) ва Россия (Никишов, 1952-1960; Шоцкий, 1977-

1978; Лазебник 1992; Прохорова, 2014) Вьетнам (Хоанг Зыонг Хуан, 2016) ўрганилди.

Қишлоқ хўжалиги харитасига берилган таърифларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, у ёки бу даражада, улар бир вақтнинг ўзида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг хусусиятларини табиий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни акс эттириши керак. Шунга мувофиқ, А.М.Берлянтнинг таснифидан келиб чиқиб, биз қуйидаги таснифни ишлаб чиқдик. Унда соҳага доир бўлган картографик асарлар ижтимоий ҳодисалар хариталари гуруҳига киради ва улар иқтисодиёт хариталарига мансубдир. Мавзули хариталарни таснифлаш тизимида қишлоқ хўжалиги хариталарининг жойлашуви (1-расмда) кўрсатилган.



**1-расм. Боғдорчилик ва узумчилик хариталарининг мазмуни бўйича таснифи (муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)**

Диссертациянинг «ГАТ ва веб технологиялар ёрдамида картографик асарларни яратиш учун манбалар ва уларни методик асослари» деб номланган иккинчи бобида боғдорчилик ва узумчилик веб атласини яратиш

учун манбалар, уларнинг турлари ва тавсифи, маълумотлар базасини шакллантириш масалалари ёритилиб, илмий жиҳатдан асосланган.

Боғдорчилик ва узумчиликка оид харита ва атласларни яратишда геодезик, картографик, рақамли, статистик, матнли манбалардан фойдаланилган.


Маълумки, соҳа ривожда илмий-маълумотномали боғдорчилик ва узумчиликка оид харита ва атласлар катта аҳамият касб этади. Улар тармоқ объектларини жойлаштириш ҳамда ерларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш, боғдорчилик ва узумчиликка мўлжалланган ерларнинг ҳолатини, ҳосилдорлигини ўрганиш, улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш ҳамда бошқа муҳим ислохотларни амалга оширишда асосий маълумотнома, зарурий тасвирий хужжат бўлиб хизмат қилади. Ушбу соҳани ривожлантириш учун илмий-маълумотнома боғдорчилик ва узумчилик хариталарини яратишда замонавий усул ва технологиялардан фойдаланишни тақоза этади. Ҳозирги кунда, дунё миқёсида картографик материалларни яратишда ГАТ технологияларидан кенг миқёсда фойдаланилмоқда.

ГАТ технологияси асосида боғдорчилик ва узумчилик тармоқ харита ва атласларини яратиш методикасини такомиллаштириш масалалари ва улар ёрдамида яратилган картографик асарлар дунё бўйлаб, турли фаолиятни бошқариш учун кенг қўлланиладиган замонавий восита ҳисобланади. Ҳозирги кунда, ГАТ ва интернет технологияларининг интеграцияси билан боғлиқ янги илмий йўналиш фаол ривожланмоқда.

Географик объектлар ва комплексларнинг легендаларини шакллантиришда 1:100 000 масштабдаги топографик хариталарни яратишда ишлатиладиган стандартлаштирилган шартли белгилар кутубхонаси қўлланилади. Мавзули мазмундаги легендани шакллантиришда эса ArcGIS 10.6 дастурида амалга ошириладиган ArcGIS кутубхонасидаги шартли белгилардан фойдаланилган.

Шунга кўра, ArcGIS 10.6 дастурининг ArcCatalog иловаси орқали боғдорчилик ва узумчилик объектларининг геомаълумотлар базаси шакллантирилди. Базани ишлаб чиқишда улар алоҳида босқичларга ажартиб чиқилган. Жумладан, биринчи босқич маълумотларни тўплаш ҳисобланиб, мавзуга доир эски хариталар, геодезик ўлчаш натижалари, аэрокосмик маълумотлар, Open Street map ва статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил ишларига бағишланган. Иккинчи босқичда мавжуд геомаълумотлар қайта ўрганиб, мавзу доирасида умумлаштирилган. Учинчи босқичда ГАТ дастурий таъминотларининг турлари ажратиб олиниб, улар асосида картографик тасвири расмийлаштириш ишлар амалга оширилган. Тузиш ишларида хаританинг математик асоси, маълумотларни қайта ишлаш, бошқариш ва таҳлил қилиш ишлари бажарилган. Геомаълумотлар базасининг

якуний бешинчи босқичи нашр қилиш деб номланиб, унда анаънавий хариталар, атлас, веб харита ва мобил иловалар орқали картографик асарлардан фойдаланиш имкониятлари баён этилиб, уларнинг ўзига хос жиҳатлари изоҳланган (2-расм).



**2-расм. ГАТ технологиялари асосида боғдорчилик ва узумчилик объектларининг геомаълумотлар базасини яратиш методикаси (муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)**

ArcGIS 10.6 дастурининг ArcMap иловасида яратилган географик асос QGIS дастурига .shp файл кўринишида экспорт қилинади. Чунки QGIS ArcGIS дастурига қараганда веб хариталарни яратишда бир мунча қулайликларга эга. Жумладан, бу дастур орқали очик маълумотлар билан ишлаш, улар билан тўғридан-тўғри боғлана олишлиги, динамик хариталарни яратиш жараёни бошқа дастурларга нисбатан анчайин қулайлиги, бундан ташқари, турли хил веб платформаларга осон ва тезкор жойлай олиш имкониятлари билан бошқа шунга ўхшаш ГАТ дастурларидан фарқ қилади.

Тадқиқот давомида QGIS дастурида боғдорчилик ва узумчиликнинг анимацион динамик харитаси (.GIF, .mp4 форматларида) тузилган. Ушбу харитада кўрсатилган маълумотлар орқали республикада тармоқнинг йиллар (2009-2019 йй.) бўйича ўзгаришлари ўз аксини топган бўлиб, ўз навбатида бу жараённинг худудлар кесимида тадқиқ қилиш имконини берган (3-расм).





**3-расм. Боғдорчилик ва узумчиликнинг динамик харитаси**

Ҳозирда, электрон ёки веб картографик атласлар соҳа доирасида жуда оммалашган бўлиб, уларнинг асосий мақсади фойдаланувчиларнинг геофазонинг картографик тасвири ҳақида хабардорлигини оширишдан иборат. Улар юқори сифатли хариталарни ўз ичига олади, қулай ва тушунарли интерфейсга эга, гиперҳаволалардан фойдаланиш учун мослашувчан механизмлар ва қидирув тизимлари билан жиҳозланган.


Маълумки, маҳаллий географик картография мактабининг анъанавий географик ва соҳавий атласларни яратиш тажрибаси, шу жумладан, Т.Г.Сваткова «Атлас картографияси» (2002) ишида, электрон веб картографик атласларни яратиш технологиясини таклиф этган.

Шунга кўра, биз таклиф этаётган веб картографик асарларни яратиш бўйича технология (4-расм) куйидаги кенгайтирилган босқичлардан иборат:

- 1-босқич** – веб атлас лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- 2-босқич** – атлас сценарийсини ишлаб чиқиш;
- 3-босқич** – дастурий таъминот комплексларини ишлаб чиқиш;
- 4-босқич** – таҳририй тайёргарлик ишлари;
- 5-босқич** – тузиш-жиҳозлаш ишлари;
- 6-босқич** – веб атласнинг компьютерли оригиналини тузиш.

Боғдорчилик ва узумчилик веб-атласини яратиш методикаси ва уни ишлаб чиқиш бўйича веб хариталар учун маълумот файлларининг форматлари ўрганилиб, таҳлил қилинган ва улар алоҳида-алоҳида гуруҳларга ажратилиб, тизимлаштирилган. Ундан ташқари, очиқ геофазовий консорциумнинг геофазовий веб-сервислари, картографик веб-дастурлар, веб-картография API си ва ниҳоят веб атласларни яратишнинг умумий

технологик схемаси мантикий кетма-кетликда ва тизимли ёндошув асосида ишлаб чиқилган.




**4-расм. Веб атласларни яратишнинг умумий технологик схемаси**

Диссертациянинг «**Боғдорчилик ва узумчилик веб атласини яратиш технологияси**» деб номланган учинчи бобида боғдорчилик ва узумчилик веб атласни ишлаб чиқиш ва яратишнинг илмий принциплари ва унга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилган. Атлас таркибига киритилган хариталар рўйхати, масштаби ҳамда атлас учун махсус стандарт шартли белгилар ишлаб чиқилган ва уларни ишлаб чиқишда геонформацион технологиялардан фойдаланилган. ГАТ технологиялари орқали мавзули қатламлар шакллантириб олинди. Шакллантирилган қатламларга биноан хариталарнинг махсус мазмун элементлари ва макет компоновкаси ишлаб чиқилган (5-расм). ГАТ технологиялари асосида хариталарни яратишда режалаштириш, маълумотларни таҳлил қилиш, тақдим этиш, таҳрир қилиш ва нашр этиш жараёнларига оид ишлар бажарилган.




**BOG'DORCHILIK**



**5-расм. Боғдорчилик харитасининг макет компоновкаси**

Юқоридаги макет компоновка ва яратилган геомальумотлар базаси орқали ArcGIS 10.6 дастурининг ArcMap иловасида 1:4 000 000 масштабли боғдорчилик харитаси яратилган (6-расм).



**6-расм. Ўзбекистоннинг боғдорчилик харитаси**

Веб атлас лойиҳасида ҳар бир хаританинг мазмунини ва унинг турли хил элементларини тўлиқ тасвирлаш даражаси асосан унинг мақсади, мавзуси ва масштабига боғлиқдир. «Боғдорчилик ва узумчилик хариталарини лойиҳалаш ва тузиш»га оид хариталар фойдаланувчиларни мамлакатимиз аҳолисини боғдорчилик маҳсулотлари билан қай даражада таъминланганлиги, боғ ва токзорлар майдонларининг ҳудуд бўйлаб жойлашган ўрни, қишлоқ ва шаҳарлардаги кўрсаткичлари каби маълумотлар билан таништиришга мўлжалланган.

Хариталарда қўшимча кесма хариталар ҳам берилиши мумкин. Масалан: геологик, иқлим, тупроқ, ўсимлик, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқалар.

Шундан сўнг, ГАТ дастурлари асосида яратилган мавзули хариталарни платформада тайёрланган бўлимларга жойлаштириш ишлари бошланади. Платформани яратишдаги ишлар иккита катта қисмга бўлинади: «Front end» ва «Back end».

**«Front end» (фойдаланувчи интерфейси)** – бу маълумотларни кўриш ва ўзаро алоқада бўлишлари учун HTML, CSS ва JavaScript каби дастурлаш тилларини ишлатиб, маълумотларни график интерфейсга айлантириш амалиётидир.

**«Back end»** – бу платформанинг «орқа» қисми бўлиб, у фойдаланувчиларга кўринмайди, лекин платформанинг ишлаши учун бевосита катта таъсир этувчи ва асосий жавобгар қисм ҳисобланади (7-расм).



**7-расм. Боғдорчилик ва узумчилик веб атласининг фойдаланувчи интерфейси**

Шунга кўра, замонавий веб атласлар ГАТ технологиялари асосида яратилган маълумотлар базаси ёки метамаълумотлар базасига асосланган мавжуд картографик материалларни веб-муҳитга жойлаштириш, фойдаланувчиларга олдиндан қайта ишланган маълумотларни ва ўз

маълумотларини мавжуд хизматлар билан бирлаштириш имкониятини тақдим этиш каби бир қанча вазифаларни амалга оширади. Боғдорчилик ва узумчилик мавзусидаги веб атлас ижтимоий-иқтисодий ва табиий шароитларни, боғдорчилик ва узумчиликка умумий тавсиф берувчи хариталар, боғдорчилик ва узумчиликнинг тармоқ хариталари, уларнинг ҳудудий тавсифларини, хусусиятларини картографик методлар орқали кўрсатиб берувчи хариталарни ўз ичига олади. Маълумки, ҳозирги пайтгача бу муҳим мавзу бўйича тўлиқ илмий асосланган картографик асар яратилмаган. Эндиликда, ушбу вазифани замонавий технологиялар ва дастурларни интеграллаштириш орқали барча учун қулай бўлган, бир вақтнинг ўзида 2 та тилда кўриш имконини берувчи ва асосийси зарур қисмларни турли форматларда нашр қилиш имконини берувчи платформа картографиянинг қанчалик тез ривожланиш сари одимлаётганлигини белгилаб беради.

Боғдорчилик ва узумчилик веб атласи интерфаол маълумотларнинг замонавий шакли ҳисобланади. Ушбу веб атласни Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва узумчилик салоҳияти ҳақида кенг қамровли илмий маълумотларни бирлаштирган янги авлод картографик асари деб аташ мумкин. Бундан ташқари, яратилган атлас илмий билимларни жамлаш, уни намойиш қилиш, таҳлил қилиш ва янгилашга ёрдам берадиган катта ҳажмдаги ахборотлар мажмуи ва веб картографик маҳсулот ҳисобланади.

## ХУЛОСА

«Ўзбекистон боғдорчилик ва узумчилик веб атласини яратиш масалалари» мавзусидаги география фанлари бўйича фалсафа доктори диссертация иши бўйича амалга оширилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни чиқаришга, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга имкон берди.

1. Боғдорчилик ва узумчилик хариталарини мавзуйи бўйича таснифлаш орқали ушбу тармоқнинг иккита йирик йўналиши алоҳида ажратиб кўрсатилди. Тармоқ хариталарини тузишнинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитлари, ресурслари, боғдорчилик ва узумчиликнинг тармоқлари, уларнинг ҳудудий хусусиятлари ва умумий тавсифловчи хариталар гуруҳи ажратилиб, ҳар бири картографик нуқтаи назардан асосланди. Бу тасниф орқали мавзули картографиянинг йирик бўлими ҳисобланган қишлоқ хўжалиги атласларининг таркибидаги хариталарини бўлими, унда бериладиган хариталарнинг рўйхати шакллантирилди.

2. ArcGIS дастуридаги ArcCatalog иловасида боғдорчилик ва узумчиликнинг геомаълумотлар базаси шакллантирилди. Базани шакллантиришда тармоқнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда улар тўртта асосий босқичга ажартиб ўрганилди. Яратилган база орқали веб

атлас таркибига кирувчи қишлоқ хўжалиги, экин майдонлари таркиби, ер турлари, деҳқончиликда фойдаланиладиган ерлар, боғлар, узумзорлар хариталарининг географик маълумотлар базаси такомиллаштирилди. Ушбу маълумотлар базаси қишлоқ хўжалиги хариталарини яратиш ва доимий янгилаб боришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

3. Ўзбекистонда боғдорчилик ва узумчиликнинг асосий кўрсаткичлари барча хўжалик тоифалари бўйича йиллар кесимида шакллантирилди ҳамда боғдорчиликнинг майдони, ялпи ҳосили, ҳосилдорлик улуши ҳар бир йил учун алоҳида жадвал шаклида тартибга солиниб, тизимлаштирилди. Ушбу рақамли маълумотлар асосида тармоқнинг динамик харитаси QGIS дастурида ишлаб чиқилди. Динамик харита орқали республика ҳудудлари кесимида тармоқнинг 2009 йилдан 2019 йилгача бўлган давр оралиғидаги ривожланиш тенденцияси кўрсатилди. Бу орқали, ундаги вақт масштаби асосида ўзгаришларнинг ҳудудлардаги динамикасини аниқлаш мумкин.

4. Картографик, геоинформацион ва веб харитага олиш усуллари орқали Ўзбекистон боғдорчилик ва узумчилик веб атласни яратиш методикаси такомиллаштирилди. Ушбу методика олти асосий босқичга ажратилиб, веб атласни лойиҳаси, номи, унга қўйиладиган талаблар, қўлланиш соҳалари бўйича тавсифлаб берилган. Шунингдек, атлас сценарийсини, дастурий таъминот комплексларини, таҳририй тайёргарлик ва тузиш-жиҳозлаш ишларини, веб атласнинг компьютерли оригиналини тузиш ва ундан фойдаланиш бўйича алоҳида методик кўрсатмалар ишлаб чиқилиб, уларнинг сабаб ва омиллари асосланди. Мазкур методика асосида республикамиз қишлоқ хўжалиги тармоқларининг мавзули веб атласларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

5. ArcGIS дастури асосида Ўзбекистон Республикасининг боғдорчилик ва узумчилик хариталари яратилиб, унда ҳудудлар кесимида боғ ҳамда узумзорларнинг ҳосилдорлиги, майдони, ялпи ҳосили ва ҳосил берадиган кўчатларнинг рақамли маълумотлари харитада акс эттирилди. Бу эса соҳа ходимларига харитадан визуал ҳолатда маълумотларни олиш, уларни ўрганиш, таҳлил қилиш орқали тармоқ бўйича прогноз ишларини амалга ошириш имконини беради.

6. Яратилган веб атласда боғдорчилик ва узумчилик тармоғига доир тезкор ва аниқ ахборотларни олиш, атласдан онлайн режимда фойдаланиш, зарур ҳолатда атласни тўлиқ электрон (PDF) кўринишда ёки алоҳида хаританинг ўзини юклаб олиш каби амалларни бажариш, хариталар яратиш бўйича замонавий билимларни олиш ҳамда ҳудудий жиҳатдан таҳлиллар олиб бориш имконияти мавжуд.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ  
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**МУМИНОВ АБДУЖАЛИЛ АБДУСАЛОМ УГЛИ**

**ВОПРОСЫ СОЗДАНИЯ ВЕБ АТЛАСА САДОВОДСТВА И  
ВИНОГРАДАРСТВА УЗБЕКИСТАНА**

**11.00.06. – Геодезия. Картография**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**



Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.3.PhD/Gr192

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.  
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу ([www.nauka.niu.uz](http://www.nauka.niu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Эгамбердиев Асамберди</b> кандидат географических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Реймов Полат Расбергенович</b> доктор географических наук (DSc), доцент  <b>Хакимова Камолатхон Рахимжоновна</b> доктор философии по географии (PhD), доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Национальный исследовательский университет «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»</b>

Защита диссертации состоится «17» ноября 2022 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании разового Научного совета при Научном совете DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 по присуждению ученых степеней при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4. Тел: (99871) 227-12-24, факс: (99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: [geografiya.niuuz@mail.ru](mailto:geografiya.niuuz@mail.ru). Факультет географии и природных ресурсов Национального университета Узбекистана).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за №127). Адрес: 100174, г.Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел. (99871)-246-67-71, Национальный университет Узбекистана.

Автореферат диссертации разослан «5» ноября 2022 года  
(протокол реестра №47 от «5» ноября 2022 года)



**Н.И.Сабитова**  
Председатель Разового Научного совета по присуждению учёных степеней, д.г.н., профессор  
**Ш.М.Шарипов**  
Заместитель секретаря Разового Научного совета по присуждению учёных степеней, к.г.н., доцент  
**З.Н.Тожинова**  
Председатель научного семинара при разовом Научном совете по присуждению учёных степеней, д.г.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Для решения задач обеспечения населения продуктами питания в мире один из ведущих вопросов использование современных технологий и средств программирования в сельском хозяйстве. В связи с этим ООН были поставлены задачи «...повышения урожайности, качества и стабильности сельскохозяйственной продукции путем принятия стратегической программы развития сельскохозяйственного производства»<sup>1</sup>. Особое значение в решении этих задач имеют ресурсосберегающие технологии в управлении сельским хозяйством, в том числе, создание веб-карт и атласов, важных для сбора, хранения, анализа, обработки и представления их потребителям, с использованием современных языков программирования.

В мире приоритет отдается исследованиям в этом направлении, особенно созданию интерактивных веб-карт и атласов, увеличению их функциональности, созданию и совершенствованию веб-платформ с легко адаптируемым пользовательским интерфейсом в различных условиях. Также, особое внимание уделяется созданию базы геоданных с помощью ГИС технологий, которые широко используются в различных сферах, созданию серии веб-карт, позволяющих оценить социально-экономическое положение регионов, совершенствованию методов создания веб атласов на основе методов и технологий веб-картографии.

В нашей республике реализуется ряд мер по дальнейшему развитию отраслей садоводства и виноградарства и достигаются значительные положительные результаты. В стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы определены важные задачи в контексте «...выращивание экспортной продукции и развитие плодоовощеводства, увеличение в 3 раза площади интенсивных садов и в 2 раза увеличение теплиц»<sup>2</sup>. В связи с этим, в дальнейшем повышении эффективности и конкурентоспособности этой отрасли, среди других методов исследования, значительную роль играют исследования, направленные на то, чтобы дать картографическое описание этой отрасли на основе картографических методов, ГИС и веб-картографирования.

Данное исследование в определенной степени служит для реализации поставленных задач в Указе Президента Республики Узбекистан от 17 июня 2019 года № УП-5742 «Об утверждении концепции эффективного использования земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве» и Постановление № УП-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении

---

<sup>1</sup> <https://www.fao.org/newsroom/detail/un-report-global-hunger-SOFI-2022-FAO/ru> Food and Agriculture Organization of the United Nations.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан, от 28.01.2022 г. № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы».

Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», а также в Постановлении ПП-4549 от 11 декабря 2019 года «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию плодоовощной и виноградарской отрасли, созданию цепочки добавленной стоимости в отрасли» и других нормативно-правовых актах.

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики IV. «информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий» и V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

